

---

**Фурқат тумани ички ишлар бўлимида "Уч авлод учрашуви" бўлиб ўтди**  
Фурқат туманида давлат хизматларини сифат жиҳатидан янада ошириш мақсадида замонавий кўринишга эга туман Ички ишлар бўлими биноси фойдаланишга топширилган. ИИБ туманнинг 34 та маҳалласида истиқомат қилаётган 125 мингдан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатади.

Бугун туман ҳоқими Жаҳонгир Жуманов, секторлар раҳбарлари, вилоят ИИБ масъуллари, туман ИИБ шахсий таркиби ва Ички ишлар тизимидаги Фахрийлар кенгаши аъзолари, жамоатчилик вакиллари иштирокида "Уч авлод учрашуви" ўтказилди.

Ички ишлар тизимидаги Фахрийлар кенгаши аъзолари сўз олиб, бугун мустақил мамлакатимизда ёшлар давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, ғамхўрликлардан илҳомланиб, Ватан хизматиغا камарбаста бўлишга, бунда фахрийларнинг хизмат ва ҳаёт йўлида орттирган тажриба маслаҳатларига таянган ҳолда пухта билим олиб, ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишишида бундай учрашувларнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёслигини билдирди.

Учрашувда сўз олганлар, Фахрийларнинг тажрибаси ва малакаси ёш ходимлар учун ибрат мактабининг ўрни беқиёс эканлиги, ўз навбатида туманда жиноятчиликни олдини олишда ҳамкорликда ишлаш, ўзаро тажриба алмашиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув давомида тадбир иштирокчилари, 2-минтақавий ҳудуд Фурқат тумани ички ишлар бўлимида яратилган шароитлар билан танишдилар.

Ҳар бир хизмат хонаси замонавий мебель ва ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Шунингдек, бинога ёнма-ён қилиб қурилган Ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи биноси учун қўшимча бино қурилган бўлиб, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида алоҳида кириш-чиқиш жойи ажратилган. Фуқаролар зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, паспорт-виза тизими, ички ва ташқи миграция масалаларига оид барча саволларига шу ернинг ўзида жавоб олиш имконига эга.

Ходимларнинг мароқли хордиқ чиқаришлари ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаш учун "Маърифат зали", ошхона, спорт майдончаси мавжуд.

2023-08-19 19:20:29